

Пудрат шартномаси № 1

«Бухоро вилояти Бухоро шахар Ҳамза кўчаси 16-йда жойлашган Бухоро Давлат университети хузуридаги ўқув биносини мукаммал таъмирлаш»

“25” Январ 2022 йил

Бухоро шахри

2022 йил “20” январдаги тендер натижасида аникланган ва тендер комиссиясининг карори билан тасдиқланган (6561-сон баённома)га асосан кейнинг ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Бухоро давлат университети номидан Низом асосида иш кўрувчи ректор О.Х. Хамидов бир томондан ва кейнинг ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган «Gijduvon Texstroyprogress Plus» МСНJ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар З.С. Бафоев иккинчи томондан «Бухоро вилояти Бухоро шахар Ҳамза кўчаси 16-йда жойлашган Бухоро Давлат университети хузуридаги ўқув биносини мукаммал таъмирлаш»га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1.1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

“ижро хужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун мъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим мъсулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

“курилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади.

“вактинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган хар тибдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”: - сифати ва якунлигини кейнинг ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг хар бир боскичи ёки турлари кийматининг аник белгиланган холда шартнома бўйича объектни умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2.1. Пудратчи мазкур шартнома орқали «Бухоро вилояти Бухоро шахар Ҳамза кўчаси 16-йда жойлашган Бухоро Давлат университети хузуридаги ўқув биносини мукаммал таъмирлаш» ишларини лойиҳада белгиланган тартида кетма-кетлик билан амалга ошириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар киймати

3.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан таклиф килинган тендер натижасига кўра, ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган холда жорий нархларда – 7 630 457 841,01 (етти миллиард олти юз ўттиз миллион тўрт юз эллик етти минг саккиз юз кирк бир) сўм 0,1 тийин ни ташкил этади.

3.2. Ишлар кийматини кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно;

- курилиш киймати ва кўпайтиришга енгид бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда;
- ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектининг курилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

3.3. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўргасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

30% - 2289137352

УДК - 298. 583. 132, 87

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада хамда унга килинган иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камидаги 30%ни ўзининг кучлари билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
- иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни кабул килиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;
- курилиш майдони ҳудудида вактинчалик иншоотлар куриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмунни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;
- курилиш таваккалчилигини сугурта килиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;
- курилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;
- курилиш жараёнида жалб килинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

6.1. Пудратчи мазкур шартномага мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Танлов натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 170 кун (12.07.2022) йилни ташкил этади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий кийматининг 30 % микдорила, дастлабки иккى ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) бўлиб аванс ўтказади.

Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги белгиланган тартиблари хисоботлар (форма-3, форма-5) тақдим этилганидан сўнг, бажариш ва молиялаштириш жадвали кўрсатилган иловага мувофик молиялаштирилиб борилади.

7.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматнинг 95 % гача доирасида амалга оширилади.

7.3. Объектнинг шартномавий жорий кийматнинг колган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги хисоб-китоблар курилиш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибида кабул килингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тўлгандан кейин ишлар кийматнинг 5% гача микдорида, амалга оширилади:

7.4. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзидаги саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасига бўллади.

7.5. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хакла конун

хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равища хабардор килган холда, шартномани бир томонлама бекор килиш хукукига эгадир.

- Мазкур объект буйича тўлов Буюртмачининг бюджетдан ташкари тўлов-контракт шахсий хисоб варакаси маблағлари хисобидан амалга оширилади.

- Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган такдирда “Буюртмачи” тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

8.1. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.

8.3. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равища катнашади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустакил равища ташкил этади.

8.5. Пудратчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

8.7. Курилишда жараённида фойдаланилган барча коммунал хизматларининг тўловлари Пудратчи томонидан алоҳида шартнома имзоланиб копланади.

8.8. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

Курилиш таъмирлаш жараённида бинодан чикадиган курилиш материаллари бўйича (яъни демонтаж килиб олинган курилиш материаллари) кабул килиш-топшириш далолатномаси тузилиб Буюртмачига топширилади.

8.9. Курилишда алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи, Буюртмачини ва Давлат назорати инспекциясини ёзма равища хабардор килади.

8.10. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ кабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.11. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина ишларни бажаришга киришади.

8.12. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакла хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишига, сўнgra эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

8.13. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатисиз бажарилганлигини аниқласа у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 8.12-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатисиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заرارларни Буюртмачига тўлайди.

8.14. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.15. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллаш муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг олиб борилиши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён килади.

Пудратчи ишларни олиб бориш дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

Агар Пудратчи ишларни олиб бориш дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини бажармаса, Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор килинишини ва аванс тарикасида олдиндан тўланган шартноманинг 30% микдоридаги маблагни талаб килиш хукукига эга.

IX. Ишларини кўриклаш

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект кабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажариласлиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равиша узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳақлидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш

11.1. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган, белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул килиб олинади.

11.3. Пудратчи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин Буюртмачига беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равиша тасдиклаши керак.

11.4. Қабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха хужжатлари ҳамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидаги кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килинишини;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

12.2. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томиннинг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартарф этилгунга кадар фойдаланиши давом этириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчининг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи маъкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

12.4. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиши курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисадий судга мурожаат килишини истиносо этмайди.

XIII. Шартномани бекор килиш

13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айни билан бир ойдан ортик муддатта кечикирилган холда,
 - пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
 - пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
 - конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатта тўхтатиб кўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

13.3. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади. Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор килишига карор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома ёки талабнома юборади.

13.5. Шартнома бекор килинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома маъжбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субектларнинг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги 670-1 сонли конунида ва бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортиди.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз маъжбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка маъжбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун маъжбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0.01 % (фоиз) микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 10 % (фоиз) дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

14.3. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 % (фоиз) микдорида жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз маъжбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун маъжбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.01 % (фоиз) микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий кийматининг 10 % (фоиз)дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.01 % (фоиз) микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 10 % (фоиз)дан ошмаслиги керак.

14.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи хужжатларига мувофик бўлмаса у холда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг холосаси асосида обьектни кабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортни, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 5 % фоизи микдорида ундириш хукукига эга.

14.6. Шартнома бўйича маъжбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг ўйкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки маъжбуриятларнинг бошкacha тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу маъжбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни хал этиш тартиби

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этомаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чикилади.

XVI. Алоҳида шартлар

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

16.2 Агар Пудратчи шартнома бўйича килинган ишларни якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни колдирса, у холда Буюртмачи, Пудратчи томонидан курилиш майдонини озод килиш санасигача бўлган даврга мутаносиб равишда, бажарган ишлари учун хак тўлашни кечикиришга ҳаклидир.

16.3. Мазкур шартномага ўзгаришиш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва икки томондан имзоланган бўлса ҳакикий хисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай келишувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишида тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

16.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 4 нусхада тузилади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

Буюртмачи: Бухоро давлат университети	Пудратчи: «G'ijduvon Texstroyprogress Plyus» MCHJ
Манзил: Узбекистон Республикаси Бухоро ш. Камалий к. 11-үй Тел/факс: +998 91 232-29-14, 221-29-96 Х/р: 00910860064017094100079001 СТИР: 201 234 904 ОКНХУТ 92110 ОКЭД: 23402000300100001010 Бухоро вилоятинида Бозарраси Банк: Марказий бозарраси Хисоб-китоб каса маркази (ХККМ) ЯГХ: 2340 2000 3001 0000 1010 МФО: 00014, ИНН: 201 122 919	Манзил: Гиждувон ш.Ю.Хамадоний к., 7-үй Тел: +998 91 400-00-04 Х/р: 20208000204660744006 Банк: АТБ Кишлок Курилиш Банк Бухоро ш. СТИР 300630649 МФО 00115 ОКЭД 41202



Ректор: О.Х.Хамидов

Ш.Мамедов



Рахбар: З.С.Бафоев

А.Исломов

OBYETKINI QURISHINI MOLIVALASHTIRISHING UMMUMIY JADVAL

"Buxoro viloyati Buxoro shahar Hamza ko'chasi 16-rydu joylashgan Buxoro Davlat universiteti buzurridagi o'quv binosini mukammal ta'mirdash"

Shartnomalar qismi - 7 630 457 841,01 so'm
(muhabat shartnomasiga lova)

Bos'tan k'oilish keyning moliyalashtirishini hisobga olgan holdin

Moliyalashtirish shartlari	Yanvar yil	2022 yil	Fevral yil	2022 Mart	Aprel 2022 yil	May yil	2022 iyun	2022yil iyul	2022 avgust	Sentyabr 2022 yil	Octyabr 2022 yil	Noyabr 2022 yil	Dekabr 2022 yil	Yanvar 2023 yil	JAMI
30 % miqdoridin bo'sunk	1 144 568 676,15	1 144 568 676,15													2 289 137 352,30
65 % miqdorida keyning moliyalashtirish				1 239 949 399,16	1 239 949 399,16	1 239 949 399,16	1 239 949 399,16	1 239 949 399,16	1 239 949 399,16						4 959 797 596,66
5% miqdorida obyektidan foydalanish kufolishi*															381 522 892,05
JAMI	1 144 568 676,15	1 144 568 676,15	1 144 568 676,15	1 239 949 399,16	1 239 949 399,16	1 239 949 399,16	1 239 949 399,16	1 239 949 399,16	1 239 949 399,16	-	-	-	-	-	381 522 892,05
JAMI O'PEKT BO'yicha	7 630 457 841,01	(Etti milliard olli yez o'ttiz million to'rt yez ellik etti ming salkkiz ya'qin bir) so'm													7 630 457 841,01

BUYURTMAUCHI

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

PUDRATCH

"G'LIDUVON TENSTROY PROGRESS PLUTUS" MChba

Разбивка цены контракта

с указанием стоимости этапов работ в текущих ценах

Капитальный ремонт учебного здания при Бужарском Государственном Университете
расположенная по ул. Хамза дом №16 в городе Бужаре, Бужарской области

№ _п	Наименование работ	Общая стоимость	2022 г		2022 г		2022 г		2022 г	
			Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь		
1	2	6	7	8	9	10	11	12		
1	БЛОГОУСТРОЙСТВО	418 352,941							418 352,941	
2	ГАЗ ЛОЙХА	55 857,161					55 857,161			
3	СХЕМА ЛОКАЛЬНОЙ СЕТИ	31 234,545				31 234,545				
4	НАРЖ ЛИНЯ О4	954 429,800				500 000,000	454 429,800			
5	НАРУЖНЫЙ ВОДОПРОВОД И КАНАЛИЗАЦИЯ	75 838,955			75 838,955					
6	ОТОПЛЕНИЕ	788 646,009			400 000,000	388 646,009				
7	УЧЕБНОЕ ЗДАНИЕ	3 377 702,869	200 000,000	500 000,000	500 000,000	800 000,000	877 702,869	500 000,000		
8	ВОДОПРОВОД И КАНАЛИЗАЦИЯ	55 650,64							55 650,64	
9	НАДВОРНАЯ УБОРНАЯ НА 12 ОЧКОВ	201 744,603			201 744,603					
	ЭЛЕКТР ВО ВНУТРИ	579 361,429			200 000,000	379 361,429				
	УСЕЛЕНИЕ И ФАСАД УЧЕБНОГО ЗДАНИЯ	820 072,302			400 000,000	420 072,302				
	ЗАБОР ИЗ КИРПИЧА	174 936,503			174 936,503					
	МЕТАЛЛИЧЕСКИЙ НАВЕС	96 630,081				96 630,081				
	И Т О Г О:	7 630 457,841	200 000,000	674 936,503	1 874 213,639	2 575 171,446	1 332 132,669	974 003,584		

ПОДРЯДЧИК:



ООО "Гиждувон Техстройпротесс Плюс"
Заказчик
Бухара

З.Бафоев

Подпись:



ООО "Гиждувон Техстройпротесс Плюс"
Заказчик
Бухара